

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

[Кўчирма]

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 20-сон, 357-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин:

биринчидан, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш республика, ўрта ва қуи бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг асосий вазифа ва функцияларнинг аниқ белгиланиши ва тақсимланишини ҳамда ҳар бир ходимнинг ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарлигини назарда тутувчи сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш;

иккинчидан, кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, вокзаллар, аэропортлар ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек оммавий тадбирларни ўtkазиш чоғида хизматни ўташда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-кимматининг хурмат қилинишини, муомала маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш;

учинчидан, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш, улар томонидан хизматни ўташ жараёнида, айниқса тунги вақтларда пораҳўрлик ва ваколатни суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш;

тўртинчидан, ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказишида фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг юқори мобиллиги ва самарадорлигини оширишга имкон берадиган янги иш усусларини жорий этиш, ҳуқуқ-тартиботнинг гурухлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда бартараф этишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

бешинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг мувофиқлаштирилиши ва ташкилий-услубий таъминланишини кучайтириш, мазкур соҳага юклатилган вазифаларни бажаришда ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилиш механизmlарини ривожлантириш;

олтинчидан, фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маъмурий қамоқقا олинган шахсларни сақлаш учун маҳсус қабулхоналар, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва аниқ яшаш

жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ички ишлар органлари бўлинмалари, вазирлик ва идораларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни ва унга ташкилий-услубий раҳбарликни амалга оширади;

патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жавобгарлик ҳудудларига кирмайдиган жойларда жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш туман (шахар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шу жумладан профилактика инспекторлари зиммасига юклатилади.

3. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси таркибида ўрнатилган умумий штатлар сони доирасида 50 бош хизмат отлари бириктирилган Отлик отряд тузилсин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

очиқ жойларда ўтказиладиган оммавий тадбирлар чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда юқори ҳаракатчанлик ҳамда мобил тўсиқлар ва ҳалқаларнинг ташкил этилишини таъминлаш;

Тошкент шахрининг марказий кўчалари, дам олиш зоналари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарларни ушлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш;

ходимларга йилқичилик асосларини ва от миниб юриш кўникмаларини ўргатишни ташкил этиш, ушбу соҳадаги ижобий хорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, экстремал вазиятларда хизмат отларини тайёрлаш усуллари ва улардан фойдаланиш тактикасини такомиллаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси Отлик отрядини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳарбий-техника институтининг ёзги полигони базасига жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсан:

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси Отлик отряди учун 50 бош хизмат отларини сотиб олиш, уларнинг ўргатилишини ташкил этиш ва отлик отряднинг тўлақонли фаолиятини таъминлашга оид бошқа масалаларни ҳал этиш;

хизмат отларини ташиш учун мўлжалланган асосан мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган автотранспорт воситаларини, шу жумладан шатакка олувчи автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамаларни харид қилиш;

туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўйлимлари)нинг ертўла ва ярим ертўла хоналарида жойлашган вактинча сақлаш ҳибсоналарини қайта қуриш ва реконструкция қилиш.

8. «Ўзавтосаноат» АҚ мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш қувватларини инобатга олган ҳолда, хизмат отларини ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларининг, шу жумладан шатакка олувчи автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамаларнинг техник параметрларини белгилаш ва келишишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига зарур ёрдам кўрсатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ички ишлар вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича ушбу қарорда назарда тутилган чоратадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

уч ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 май,
ПҚ-2940-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати
ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда – Бош бошқарма) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ИИВ) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва ўз ваколати доирасида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни амалга оширади.

Бош бошқарма аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари бўйича ички ишлар органлари бўлинмалари, вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкилий-услубий таъминлашни амалга оширади.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари қуидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси Кинолог ходимлар ва хизмат-қидирув итларини тайёрлаш маркази;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида батальони;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими Аммиакли селитрани кузатиш батальони;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими Нефть маҳсулотларини кузатиш батальони;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими «GM Uzbekistan» АЖ маҳсулотлари ва бошқа қимматбаҳо юкларни кузатиш батальони;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими Йўловчи поездларни кузатиш батальони;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари;

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси Патруль-пост хизмати бригадаси;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари Патруль-пост хизмати батальонлари;

туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари жамоат тартибини сақлаш бўлимлари (бўлинмалари, гурухлари);

карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари;

хизмат итлари питомниклари, кинология бўлинмалари;

вақтингча сақлаш ҳибсоналари;

аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари;

маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналари;

конвой бўлинмалар.

4. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўзининг тўлиқ номи ёзилган бланк ва муҳрга эга, шунингдек Бош бошқарма фаолиятининг ўзига хос ҳусусиятларини акс эттирадиган ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган ўз рамзига эга бўлиши мумкин.

2-боб. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кўчалар ва бошқа жамоат жойларида қайд этилган ҳодисаларни, хуқуқбузарликларни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни, шу жумладан оммавий тадбирларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишида, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва ўзга турдаги ваколатхоналари, бошқа обьектлар ҳамда юкларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриклини ташкил қилиш, шунингдек муомалада бўлиши чекланган предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ташиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг ўзларига юклатилган вазифаларни самарали бажаришлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасидаги фаолиятларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг доимий жанговар шайлигини ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш;

қонунчилик ва ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифларни, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

6. Ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда Бош бошқарма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) *кўчалар ва бошқа жамоат жойларида қайд этилган ҳодисаларни, ҳукуқбузарликларни комплекс ва тизимли таҳлил қилиши, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиши ҳамда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш соҳасида:*

кўчалар ва бошқа жамоат жойларидағи ҳодисалар ва ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотларни сўраб олиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ички ишлар органлари бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш асосида уларнинг куч ва воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг фаолиятини таъминлаш, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида, постлар ва патруль йўналишларида содир этилган жиноятлар ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, мавжуд куч ва воситаларни қайта тақсимлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

фуқаровий ва хизмат қуролларининг ахборот маълумотлар базасини шакллантириш ва юритишни ташкиллаштириш ҳамда амалга ошириш, профилактик тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш мақсадида уларни таҳлил қилиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ фаолиятини истиқболли ва жорий режалаштиришда, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларини ривожлантиришнинг концепциялари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

б) *жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни, шунингдек, муомалада бўлиши чекланган предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ташиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилишининг олдини олишини ташкил этиши соҳасида:*

хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, уларни содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш мақсадида кўчалар ва бошқа жамоат жойларида патрулликни ташкил этиш;

жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-харакатларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида, аҳоли гавжум бўладиган жойларда ҳамда фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини тъминлаш;

оммавий тадбирлар ўтказиш объектларида ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини тъминлаш, айрим дипломатик объектлар, ўта хавфли ва маҳсус юкларни қўриқлаш бўйича шартномавий-ҳуқуқий асосда хизматлар кўрсатиш;

муҳандислик-техник воситалардан, шунингдек ички ишлар органларининг саф ҳамда тезкор бўлинмалари куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда оммавий тадбирлар ўтказиш объектларига, аҳоли гавжум бўладиган ва фавқулодда ҳолатлар юзага келган жойларга бориши йўлларининг тўсилишини ташкил этиш ва уларни ўраб олиш чегараларини ҳосил қилиш;

кўриқланадиган объектларга кириш жойларида замонавий техник воситалар, шунингдек психологик-визуал кузатув усувлари ёрдамида шахслар ҳамда автотранспортларни кўздан кечиришини ташкил этиш;

хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлаш ишларини ташкил этиш;

фуқаровий ва хизмат қуроллари, уларнинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, алюминий кукунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада лицензиялаш ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш;

муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан чекланган предметлар ва моддаларнинг йўқотиб қўйилиши, талон-торож қилиниши, улардан бошқа ёки жиноий мақсадларда фойдаланилганлиги ҳолатлари юзасидан текширувлар ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахсларда лицензиясиз ва рухсатномаларсиз сақланаётган фуқаровий ва хизмат қуроллари, уларнинг ўқ-дорилари, портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, алюминий кукунлари ва қурумларининг олиб қўйилишини, ташилишини ҳамда сақлаш учун жойлаштирилишини ташкил этиш, уларни олиб қўйиш ва йўқ қилиш чораларини кўриш;

б) патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг ўзларига юклатилган вазифаларнинг самарали бажаришлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказиш борасидаги фаолиятларини ташкил этиши ва мувофиқлаштириши соҳасида:

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолияти устидан идоравий назоратни амалга ошириш;

кўриқланадиган объектнинг муҳандислик-техник, ёнгин хавфсизлиги, коммуникация тизимлари ҳамда иншоотларининг оммавий тадбирлар ўтказиладиган ва аҳоли гавжум бўладиган жойлар учун белгиланган хавфсизлик

талабларига мувофиқлиги, шунингдек объектлар маъмурияти томонидан ушбу талабларга риоя этилиши устидан назоратни ташкил қилиш;

оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ички ишлар органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ташкилий-услубий таъминлаш;

фуқаровий ва хизмат қуроллари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, аммиакли селитра, пиротехника буюмлари, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари сақланадиган объектларнинг ишончли кўриқланишини, ички ва рухсат билан кириш тартибига риоя этилишини ҳамда худуд, бинолар ва иншоотларнинг муҳандислик-техник мустаҳкамлик, кўриқлаш ва ёнгин хавфсизлиги муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозланганлик талабларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқаровий ва хизмат қуроллари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, аммиакли селитра, пиротехника буюмлари, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари муомалада бўладиган соҳадаги фаолиятни амалга оширишда хавфсизлик тизимининг заиф жиҳатларини таҳлил қилиб бориш, уларни харид қилиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш, ташиш ва улардан мақсадли фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатишнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш;

патрулликни, шахсларни кўриқлаб бориш ва бошқа ерга кўчиришни амалга оширишда қонунийликка, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, шунингдек маъмурий қамоқقا олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида фуқароларни сақлаш тартибига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ички ишлар органларининг маъмурий қамоқقا олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари ва кинология бўлинмалари фаолиятини таъминлаш;

гиёхвандлик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, қуроллар, ўқдориларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашишни, ўта муҳим объектларни кўриқлашни, қўпорувчи - террорчи тузилмаларнинг йўқ қилинишини таъминлаш учун юқори малакали кинолог мутахассислар ва хизмат итларини тайёрлаш;

ўргатишнинг турли усувлари қўлланиши мумкин бўлган наслдор хизмат итларини танлаш ва етиштириш ҳамда уларга ветеринария хизмати кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;

патруль-пост хизмати саф бўлинмалари, кинология ва конвой бўлинмалари, маъмурий қамоқقا олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда моддий-техника ва ўқув-техника базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳоли гавжум бўладиган жойларда, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ҳамда хорижий давлатларнинг расмий делегациялари ташрифи

чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этиладиган ички ишлар органлари бўлинмаларининг, вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

2) патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг доимий жанговар шайлигини ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигини ташкил этиши соҳасида;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятига доир комплекс иш режаларини, жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини самарали сақлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашни ташкиллаштиришга оид услубий ҳамда бошқа материалларни ишлаб чиқиш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятининг ўрганилиши ҳамда назорат текширувлари ўтказилишини ташкил этиш ва амалга ошириш, аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;

кўчалар ва бошқа жамоат жойларидағи жиноятлар ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш бўйича патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолияти самарадорлигини таҳлил ва мониторинг қилиш, шунингдек ушбу фаолият самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича шарҳлар ва таклифлар тайёрлаш;

оммавий тадбирлар ўтказиш обьектлари ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда, шунингдек фавқулодда вазиятлар юзага келганда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳамда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашнинг замонавий усуллари, воситалари ва тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ички ишлар органларининг фуқаровий ва хизмат қуроллари ҳисобини юритиши бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш;

кинолог мутахассислар ва хизмат итларини тайёрлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этишда улардан фойдаланишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, шу жумладан, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ахборот алмашиб ҳамда ҳамкорликдаги тадбирларни режалаштириш ва ўтказишни ўрнатилган тартибда амалга ошириш;

ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини мониторинг қилиш;

жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини ошириш, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик профилактикаси ва унинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органларига ёрдам берган ва ўрнак кўрсатган фуқароларни рағбатлантириш чораларини жорий этиш;

постлар ва патруллик йўналишларида ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бошқа бўлинмалари, давлат органлари ва ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ҳамкорликни ташкил қилиш;

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари томонидан тезкор-қидирав фоалиятининг ҳамда жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва жиноятчиларни ушлаш бўйича бошқа тадбирларнинг амалга оширилишида уларга кўмаклашишни ташкил этиш;

худудий ички ишлар органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ички хавфсизлик бўлинмалари билан ҳамкорликда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари, бошқа обьектларни қўриқлаш, террорчилик харакатлари ва бошқа жиноий тажовузларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари худудлари ва биноларини текширишни амалга ошириш, уларни техник мустаҳкамлаш бўйича таклифлар киритиш;

соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, ижтимоий мослашуви ва уларни даволаш муассасаларига юбориш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аммиакли селитранинг муомалада бўлиши соҳасида хавфсизлик чораларини амалга оширишга жалб этилган вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

ветеринария ва ветеринария-санитария қоидалари ҳамда нормаларига риоя этилишини назорат қилишда, эпизоотияга қарши ва карантин-чеклов тадбирларини ўтказишида давлат ветеринария хизмати органларига амалий ёрдам қўрсатилишини ташкил этиш;

д) қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштиришига доир тақлифларни, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши соҳасида:

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини бевосита ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишида иштирок этиш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича идоралараро хужжатлар ва битимлар лойиҳаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг манфаатдор бўлинмалари билан биргаликда ишлаб чиқишида иштирок этиш;

тегишли давлат органларига жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида юзага келаётган тезкор вазиятнинг видеокузатувини, шу жумладан, психологик визуал таҳлилни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатишида, берилган лицензиялаш ва рухсат бериш хусусиятига эга хужжатларнинг ягона реестрини шакллантиришида, шунингдек тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг бўлинмалари билан электрон ахборот алмашишни амалга оширишида замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг кўлланилишини таъминлаш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ижобий халқаро тажрибаси, илгор воситалари, шакллари, услублари ва тактик усулларини ўрганиш ҳамда амалий фаолиятга жорий этиш.

Бош бошқарма қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бош бошқарманинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

7. Бош бошқарма ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ бўлинмаларидан, бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан бошқарув қарорларини қабул қилиш, ахборот-таҳлилий ва ҳисбот маълумотларини тайёрлаш учун зарур бўлган хужжатлар (уларнинг нусхалари), маълумотлар ва бошқа материалларни сўраш ҳамда олиш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг хужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси ҳақида зарур маълумотларни олиш;

бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, Ҳайъат мажлиси ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқиш учун материаллар, ахборот-таҳлилий ва бошқа хужжатларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли бўлинмаларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга, мансабдор шахсларга киритиш учун ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шартшароитларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни тайёрлаш;

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмаларидан патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари зиммасига юклатилган тадбирларни амалга оширишида кўмаклашишни талаб қилиш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ички ишлар органлари маълумотлар базасидан фойдаланиш;

Бош бошқарма фаолиятига оид масалалар юзасидан хизмат текширувлари материаллари ва бошқа хужжатлар билан танишиш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларида қонунийликка ва хизмат интизомига риоя этилиши аҳволини текшириш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари томонидан қонунийлик ва хизмат интизомини бузишга оид аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўриш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бош бошқарма қўйидаги мажбуриятларга эга:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чоралар кўриш;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг иш фаолияти ҳақида зарур маълумотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига тақдим этиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бош бошқарма ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-боб. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

10. Бош бошқармага Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қиласи.

Бош бошқарма бошлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

11. Бош бошқарма бошлиғи:

Бош бошқарма фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширади ва Бош бошқарма зиммасига юклатилган вазифалар, функциялар ҳамда мажбуриятларнинг тегишли тарзда бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди, улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Бош бошқарманинг иш режаларини тасдиқлайди;

ўз ваколат доирасида кўрсатмалар чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг барча шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган фармойишлар лойиҳаларини киритади;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш ва уларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда хизмат интизомига риоя этишларини ташкил қиласи, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимларини ўрнатилган тартибда қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборади;

Бош бошқарма ходимларига маҳсус унвонлар бериш, уларни рағбатлантириш, шу жумладан мукофотлаш ва уларга интизомий жазоларни қўллаш ҳақида таклифларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига ўрнатилган тартибда тақдим этади;

Бош бошқарма ходимларини ўрнатилган тартибда хизмат сафарларига юборади;

ўз ваколати доирасида Бош бошқарма ходимларига таътил беради;

ўрнатилган тартибда Бош бошқармада сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этади ва таъминлайди, шунингдек фуқаро муҳофазаси тадбирларининг бажарилишини таъминлайди;

Бош бошқарма бўлинмаларида махфийлик тартиботига риоя этилиши, шу жумладан ахборотларни техник химоялаш бўйича тадбирларнинг ташкил этилиши учун жавоб беради;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолияти устидан бевосита ва ўзининг ўринбосарлари орқали назоратни амалга оширади;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари раҳбарларининг ҳисботларини эшитади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимларининг хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги, шунингдек ходимлар томонидан қонун бузилишининг ҳар бир аниqlанган ҳолати юзасидан ўрнатилган тартибда текширувлар ўтказилишини таъминлайди;

патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг штатлар сонини қайта тақсимлаш тўғрисида таклифлар киритади;

Бош бошқармага берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Бош бошқарма бошлиғи йўқлигига унинг ваколатлари биринчи ўринбосари томонидан амалга оширилади.

13. Сафдорлар таркибидан ташқари, Бош бошқарма ходимлари Бош бошқарма бошлигининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш бўлимни ходимлари эса Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлигининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари бошликлари Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликларининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг жамоат тартибини сақлаш бўлимлари (бўлинмалари, гурухлари) бошликлари Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари бошликларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликлари томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Туман (шахар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг жамоат тартибини сақлаш бўлимлари (бўлинмалари, гурӯхлари) ходимлари тегишинча туман (шахар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари бошлиқларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

5-боб. Якуний қоидалар

16. Иш юритиш ва махфийлик режими бўйича тадбирлар Бош бошқарма томонидан мустақил равишда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

17. Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларини қурол-аслаҳа, махсус техника ва бошқа моддий-техника воситалари ҳамда мулк билан таъминлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.